

# ШАРТНОМА

Фарғона шаҳри

96

- сонли

"04"

01 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бошқарма бошлиғи Б.И.Мирзакамолов (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади), бир томондан Низом асосида фаолият юритувчи Фарғона вилояти хокимлиги молия бош бошқармаси бошлиғи В.Назаров (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади), иккинчи томондан, биргалиқда "Томонлар" деб юритилади, мазкур Шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

## 1-боб. Шартноманинг предмети

1."Ижрочи" Миллий гвардия қўриқлаш хизмати техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, буюртмачи эса мазкур шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2-боб. Умумий шартлар

2.1. "Буюртмачи" Фарғона шаҳар Фаробий кўчаси 68-йда жойлашган Вилоят молия бош бошқармаси маҳсус хонасини тунги вақтларда дам олиш кунисиз ҳар куни соат 23:00 дан соат 05:00 гача 6 (олти) соатга, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармаси Фарғона шаҳар қўриқлаш бўлими 4-сонли техник қўриқлаш марказига қўриқлаш учун топширади. Ижрочи қўриқлаш учун қабул қиласи ҳамда 1 дона шартли белгига техник хизмат кўрсатади.

2.2. Объектнинг техник мустаҳкамлиги тўғрисидаги, қўриқлаш ва ёнгиндан огоҳлантирувчи техник (ҚЁОС) воситалари билан жиҳозланган жойлар, код билан маҳкамланадиган мосламалар ва бошқа маълумотлар мазкур Шартноманинг ажralmas қисми ҳисобланган илова ва текширув далолатномасида кўрсатилади.

2.3. Объектнинг қўриқлаш техник воситалари билан таъминлаш "Буюртмачи" томонидан амалга оширилади. Бу воситаларнинг техник хизмати ва жорий таъмирланиши шартнома асосида "Ижрочи" инженер-техник ходимларига алоҳида тўлов орқали амалга оширилади. Объектни қўриқлаш ва ёнгиндан огоҳлантирувчи мосламалар схемаси Шартномага илова қилинади.

2.4. Кўриқлаш тизимида амалда бўлган умумдавлат ҳужжатлари ва норматив актларига асосланган ҳолда объектнинг техник мустаҳкамлигини кучайтириш, қўриқлаш воситаларига тадбиқ этиш ва жорий этилган қўриқлаш тартибларига амал қилиш юзасидан кўрсатмалар "Буюртмачи" учун мажбурий ҳисобланади.

## 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

3.1. Мазкур Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат нархи **1 ойда 716 529 (етти юз ўн олти минг беши юз йигирма тўққиз сўм) уч ойлик хизмат нархи 2 149 587 (икки миллион бир юз қирқ тўққиз минг беши юз саксон етти) сўмни ташкил қиласи**, ўрнатилган тариф асосида қўриқлаш пост-соат ҳисоби бўйича Шартноманинг ажralmas қисми ҳисобланган ҳисоб-сметаси (нарх келишиш баённомаси) да ҳисоблаб кўрсатилади.

Ўзаро тасдиқланган смета ҳисоби ушбу шартноманинг ажralmas қисми ҳисобланади.

Ижрочи хизматлари учун тўловларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолларда ўзгартиришлар киритишига ҳақлидир ва Буюртмачи тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Миллий гвардия Кўмондони томонидан тасдиқланган тарифлари асосида тасдиқланган кундан бошлаб тўловларни амалга ошириши шарт.

3.2. Буюртмачи ҳар ойнинг 25 санасига қадар кўрсатилган хизмат учун тўлов суммасининг 100% миқдоридаги пулни Ижрочининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3.“Ижрочи” хизмати учун ҳисоб-китоб қилишга ўз маблағлари бўлмаган ҳолда. “Буюртмачи” белгиланган муддатда юкори орган (ташкилотлар) марказлашган фондидан қўшимча маблағлар хисобига қарздорликни қоплайди.

3.4.“Ижрочи”нинг қўшимча хизматлари учун “Ижрочи“ томонидан ҳисоб ёки билдириш берилганда “Буюртмачи“ томонидан 10 кун муддатда пул ўтказиш йўли билан тўланади.

#### **4-боб. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари**

##### **4.1. Буюртмачининг мажбурияти ва хукуқлари:**

4.1.1. Объектни ТКМга улаш учун қўриқлашга соз ҳолдаги, АТСга уланган телефон тармоғини ажратади.

4.1.2. Кўриқлашга топшириладиган объектни техник мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида текширув далолатномаси юзасидан дераза, форточка, эшик, кулф ва бошқаларни меъёрий талаблар асосида жиҳозлайди ва мустаҳкамлайди.

4.1.3. “Ижрочи” вакилларига, ушбу шартнома асосида олган мажбуриятларини бажариш учун эркин кириб чиқишига шароит яратади.

4.1.4. Объектни қўриқлашга топшириш ва қабул қилиш, калитларни саклаш ва объектни очиб кўздан кечириш учун жавобгар шахсни тайинлайди.

4.1.5. Объектнинг калити йўқолиши оқибатида уни алмаштирилганда, шунингдек, унинг бутлиги бузилганлиги аниқланганда зудлик билан “Ижрочи”га хабар беради.

4.1.6. Бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тизимини ҳамда пульт рақамларини ўзлаштирмаслиги учун уларни ошкор қилмайди.

4.1.7. Кўриқлаш сигнализация воситаларидан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя килади. Объектни блокировка схемасига ўзгартиришлар киритмайди, ўз ихтиёри билан сигнализация воситаларини алмаштирмайди. “Ижрочи” юзага келган камчиликлар юзасидан ўз вақтида хабардор килади.

4.1.8. Объектни қўриқлаш остига топширишдан олдин эшик, дераза, туйнукларни маҳкамланганлигига ишонч ҳосил қилади. Уларни доимий равишда соз ҳолда сакланишини таъминлайди.

4.1.9. ҚЁОС воситаларини ишчи ҳолатини текшириш учун кунига бир маротаба “Ташвиш” хабари бериш йўли билан, “Ижрочи”ни телефон орқали хабардор қилган ҳолда текширув ўтказади.

4.1.10. Ҳисоб-сметаси асосида ўрнатилган тарифда қўриқлаш хизмати учун ҳар ойлик мажбурий тўловни амалга ошириб боради.

4.1.11. Қўриқлашнинг тўлов ҳисоби ва далолатномаси асосида қуидаги тўловларни амалга оширади:

- Объектда ўрнатилган объект ҳисобида бўлмаган ва унинг хатоси билан ишдан чиққан техник воситаларни таъмирлаш учун;

- Объектга ўрнатилган қўриқлашга тегишли бўлган техник воситаларни таъмирлаш учун;

- Сигнализация воситаларининг 5 (беш) йиллик фойдаланиш муддати ўтиб, мукаммал таъмирлаш учун;

- ТКПни модернизациялаштирилган қўриқлаш системасига ўтказилиши муносабати билан Объектни замонавий техника воситалари билан алмаштириш учун;

- “Буюртмачи” айби билан берилган соҳта ташвиш хабар учун (объектни НБП навбатчи бошқарув пульти)ни хабардор этмаган ҳолда қўриқлашдан чиқариш, телефон дастагини нотўри ҳолатда қўйиш, мазкур шартноманинг 4.1.8.моддаси талаблари бажарилмаганда) қўриқлаш нарядининг келишига, ҳар бир келиши бир ойлик тўлов хисобидан 15 % миқдорида жарима белгиланади.

4.1.12. Сигнализация воситалари учун уланган электр ва телефон тармоқларини ўз вақтида таъмирлаш чораларини кўради.

4.1.13. Объектни мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда белгиланган давомийликда ва муддатга марказлаштирилган кузатувга топширади.

4.1.14. Объектнинг техник мустаҳкамлигини ва ҚЁОС воситалари билан жиҳозланишини таъминлайди ва саклайди.

4.1.15. Кўриқлананаётган Объект ва унинг периметрини тунги пайтларда керакли ёритиш мосламалари билан жиҳозлаб, ТҚМ нарядларига мумкин даражада кўринишни таъминлайди.

4.1.16. Кўриқланадиган Объектни тоифасига қараб, девори, томи ҳамда деразалари ва эшикларини кўрсатилган меъёр даражасида бўлишини таъминлайди.

4.1.17. Кўриқланадиган Объектда ўзининг кучи ҳисобидан ёнғин хавфсизлиги тадбирларини ташкил этади ва таъминлайди.

4.1.18. Объект витриналарида қимматбаҳо товар-моддий маҳсулот намуналаридан кўйиш зарур бўлганида, улар ўрнига макетларини кўяди. Витриналарга кўйилган қимматбаҳо товар-моддий бойликларни уларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиб, моддий жихатдан масъул киши томонидан имзоланади ва “Буюртмачи” муҳри билан тасдиқланади.

Мазкур рўйхатнинг бир нусхаси витринада, иккинчи нусхаси “Буюртмачи”нинг моддий жихатдан масъул шахсида, учинчи нусхаси Ижрочига берилади.

4.1.19. Сақлаш даврида пул маблағлари, қимматбаҳо тошлар, олтин, платинадан ишланган маҳсулотлар, тилло, платина, кумуш корпусли соатлар полга маҳкамланган сейфларда сақланади. Пул маблағлари, қимматбаҳо металл ва тошлардан бўлган маҳсулотларни сақлашда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Қимматбаҳо металлар кўмитасининг Давлат палатаси томонидан ва юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш Қоидалари билан белгиланган талаблар лимитидан юқори бўлса, сақлашга йўл кўймайди.

4.1.20. Кўриқланадиган Объектга ўрнатилган ҚЁС воситаларига Кўриқлаш бўлими ходимларини эркин ҳаракатини таъминлайди.

4.1.21. “Ижрочи” билан биргаликда бир (квартал) чоракда бир марта Объектни техник мустаҳкамлиги, кўриқлаш техник воситалари, шу жумладан ҚЁС воситалари билан жиҳозланганлигини текшириб, шу ҳақда масъул вакиллар имзоси кўйилган, “Буюртмачи” томонидан мавжуд камчиликларни бартараф қилиб, “Ижрочи”га ахборот бериш учун муддати кўрсатилиб, далолатнома тузилади. Мазкур далолатнома Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, унда кўрсатилган вазифаларни ижро этиши учун кўмаклашади.

4.1.22. Текширув далолатномаси юзасидан Объектнинг техник мустаҳкамлигини ошириш чора-тадбирларини бажаради, Объектни кўриқланишини такомиллаштириш, ички ва кириб-чиқиш тартибини яхшилаш, моддий товар бойликларни сақланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратади ва Ижрочига ўзининг вазифаларини ижро этиши учун кўмаклашади.

4.1.23. Объект худудида таъмирлаш ишлари ёки бошқа тадбирлар ўтказилиши, кўриқланадиган жойлар ва майдонларни ижарага топширилганлиги, эски кўриқланадиган жойларни ўзгартириш ёки янгисини вужудга келиши, мазкур Объектни бошқа шахсларга топширилиши муносабати билан пост жойлашувлари ўзгартирилиши, қўшимча постлар кўйилиши, ҚЁС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган тақдирда, “Буюртмачи” бу ҳақда “Ижрочи”га 15 кун аввал ёзма равишда билдиради.

4.1.24. “Ижрочи” томонидан ваколат берилмаган шахсларга, кўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи техник воситаларини техник кўриқдан ўтказиши ва таъмирлашга рухсат бермайди.

4.1.25. Объектни ТҚМга топширишдан камида 3 (уч) соат олдин ҚЁТ воситаларини созлигини, топширилишини назорат тарикасида текширади. Носозлик аниқланганда зудлик билан хизмат кўрсатадиган электр таъмирловчини таҳиради ва бу борада “Ижрочи”га хабар беради .

4.1.26. Объект, ҚЁС воситалари билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хоналарни кўриқлаш постига, шунингдек ТҚМ кўриғига кунда топшириб боради, эшикларнинг қулфлари, деразаларни, форточекаларни ва люкларни ёпилиши, кўриқлаш сигнализация воситалари ва тунги ёритиш воситаларини ҳолатини текширади, кўриқланадиган хоналарда ўчирилмаган электр мосламалар, бошқа ёнғинга олиб келувчи мосламаларни ёқилган ҳолда қолиб кетмаслигини ва бегоналар бўлишининг олдини олади. Объектни топширилиши тўғрисида ТҚМга 5 (беш) дақиқадан кейин хабар тушгандан сўнг объект кўриқлашга олинганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилинади.

4.1.27. Объектга бегона шахслар томонидан объект ёки алоҳида хоналарга кириш оқибатида унинг бутлигига таҳдид қилинганлиги ва содир этилган моддий зарар тўғрисида “Ижрочи”га хабар бериб, “Ижрочи” вакиллари келгунга қадар воқеа жойини дахлсизлигини таъминлайди.

4.1.28. “Ижрочи” томонидан белгиланган мажбуриятлар түлиқ бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар миқдорини аниклады ва моддий товар бойликларни ҳисобини олиб бориш учун Кўриқлаш бўлими ходими иштирокида моддий товар бойликларни қолдиғи ҳисобланади, шунингдек, “Ижрочи”га барча хужжат ва маълумотлари тақдим этади.

#### **4.2. Ижрочининг хуқуқ ва мажбуриятлари:**

4.2.1. ТҚМ кўригига топшириладиган объектнинг техник мустаҳкамлиги текширилиб, унинг ҚЁС воситалари билан жиҳозланиши лозим бўлган жойларга қараб далолатнома тузади.

4.2.2. Объектда ҚЁС воситаларини мажбурий жиҳозланиш жойларини белгилайди.

4.2.3. Объектга ҚЁС воситаларини жиҳозланишини тавсия этади, Объектнинг заиф жойларини ҚЁС воситалари билан жиҳозланиши Объект томонидан бажарилмаган тақдирда, Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловада белгилаб қўйилади.

4.2.4. Объектни техник мустаҳкамлиги далолатномасига асосан Объект ҳисобидан ҚЁС воситалари билан жиҳозлайди ва телефон алоқаси орқали пультга уланади, пульт маълумотномаларини тақдим этади.

4.2.5. Объектдаги ҚЁС воситаларини ҳар 5 (беш) йилда түлиқ мукаммал таъмирлади.

4.2.6. Объект билан келишилган ҳолда объектга қўшимча ҚЁС воситаларини ўрнатиладиган тақдирда, томонлар ушбу Шартномага қўшимча келишув тузадилар ва Объект ушбу бажариладиган ишлар ҳақини ўрнатилган тартибда аввалдан пул тўловини тўлагандан кейин амалга оширади.

4.2.7. Ўрнатилган тартибда объектни кўриқлашга олишда сигнализация воситалари ёрдамида ТҚМга уланиши ҳамда ўз вақтида кўриқлаш нарядини ташвиш хабари бўйича етиб боришини таъминлайди.

4.2.8. Объект кўриқлашда бўлган вақтда объектга рухсатсиз кирган шахсни қўлга олиш чорасини кўради.

4.2.9. Хўжалик идораси ходимларига ҚЁС воситаларини ишлатилишини ўргатиб, бу борада йўриқномалар беради.

4.2.10. Ҳар бир тушган сохта ташвиш хабари бўйича далолатнома тузилиб, Объект очилиб кўрикдан ўтказилиб, тузилган далолатноманинг бир нусхаси Буюртмачига берилади.

4.2.11. Сигнализация воситаларини 5 (беш) йил ишлатилгандан кейин мукаммал таъмирланишини амалга оширади.

4.2.12. Хизмат ҳақи тарифи ўзгарган ҳолда “Буюртмачи”ни хабардор қиласди.

4.2.13. Мазкур Шартномани тўхтатиш ёки бир томонлама бекор қилиниши қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) “Буюртмачи” 2 (икки) ойдан ошиқ кўриқлаш хизмати учун тўловларни тўламаганда;

б) “Ижрочи” томонидан техник сабабларга кўра ўз мажбуриятларини бажара олмасликлари туфайли (телефон рақами ўзгарганда, телефон ўчирилганда, ТҚМ тутатилганда);

в) “Буюртмачи”ни номи ўзгариб, “Ижрочи”ни бундан хабардор қилмаганда;

г) Мазкур Шартноманинг 4.1.2., 4.1.3., 4.1.5., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.16. бандлари бузилганда.

4.2.14. Телефон ўчирилганда ёки носоз бўлган ҳолда, электр манбаи ўчирилганда ТҚМ жоий ўзгарганда Объект кўриқлашга қабул қилинмайди ва бу ҳақда “Буюртмачи”ни ёзма ёки телефон орқали хабардор этади.

#### **5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги**

##### **5.1. Буюртмачининг жавобгарлиги :**

5.1.1. Мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўлмаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

##### **5.1.2. Объектни кўриқлаш даврида:**

мазкур Шартноманинг 4.1.2., 4.1.5., 4.1.6., 4.1.7., 4.1.8., 4.1.12., 4.1.14., 4.1.15., 4.1.16., 4.1.19., 4.1.20., 4.1.23., 4.1.24., 4.1.25., 4.1.26., 4.1.27. бандларида кўрсатилган талаблар “Буюртмачи” томонидан бажарилмаганлиги оқибатида жавобгарликни ўз зиммасига олади.

##### **5.2 Ижрочининг жавобгарлиги**

5.2.1. Ижрочи мазкур Шартнома кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан заарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда заарар тўлиқ миқдорда қопланади.

Ижрочининг айби билан етказилган заарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заарар миқдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда заарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

### 5.2.3. Қуйидаги ҳолатларда келтирилган моддий-заарарлар учун “Ижрочи” жавобгар ҳисобланмайди:

Пул маблағлар “Буюртмачи”нинг обьектда қолдиришга ҳаққи бўлмаган ҳолатда, белгилангандан ортиқ миқдорда қолдирилса, шунингдек пул маблағлари сейф ёки полга маҳкамланган металл шкаф (кути) ларда сақланмаган бўлса, ўғирланса ёки талончилик қилинса;

Фуқароларнинг шахсий мулклари ўғирлансан;

Бино ёпилиши ёки қўриқлаш учун қабул қилинишидан олдин кириб олган шахс томонидан ўғирлик ёки талончилик содир этилса;

Товар-моддий бойликларнинг ўғирланиши ёки талончилик қилинишида;

Бу бошқа мулкдорники бўлиб, у қўриқланаётган хонани ижарага олиб қўриқлаш учун мустақил шартнома тузилмаган бўлса;

Агар “Буюртмачи” томонидан қўриқлаш сигнализацияси ёкилмагани сабаб бўлса, обьектни қўриқлашга топширмаган ёки қўриқлаш воситаларининг носозлиги ҳақида маълум қилмаган бўлса, шунингдек бошқа техник сабабларга кўра қўриқлаш олиб борилмаган бўлса;

Шартноманинг 4.1.20. банди талаблари бузилса, жихозланган витриналардан ўғирлансан ёки талончилик қилинсан.

“Буюртмачи” томонидан кўрсатилган муддатларда Объектни техник мустаҳкамлигидаги талабларни ва мазкур Шартноманинг 4.1.5., 4.1.6., 4.1.8., 4.1.16., 4.1.24., 4.1.25., бандлари бажарилмаганлиги оқибатида ўғирлик содир этилса.

### 6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафларни ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### 7-боб. Форс-можор

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгидан бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-можор) оқибати ҳисоблансан, жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Енгидан бўлмайдиган уч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

7.3. Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

7.4. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгидан бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

### 8-боб. Якуний қоидалар

8.1. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

8.2. Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

8.3. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда хақиқийdir.

8.4. Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олинганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб

олмагандан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

8.5. Шартноманинг амал қилиш муддати қўйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича-Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибида разначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш хақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 60 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларга узайтирилган хисобланади.

8.6. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмиrlашни талаб қиласа, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

8.7. Буюртмачи кетма-кет уч ой давомида мазкур Шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи томонидан белгиланган муддатларда янгитдан тасдиқланган тарифлар асосида тақдим этилган смета хисобларини тасдиқлашдан бош тортса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равища огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга хақли.

8.8. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равища огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга хақли.

8.9. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равища маълум қилади.

8.10. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ хукуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи кўшимча бандлар киритишлари мумкин.

8.11. Мазкур шартнома тасдиқлангандан сўнг \_\_\_\_\_.20\_\_ йил кунидаги № \_\_\_\_-сонли шартнома ўз кучини йуқотган деб ҳисоблансин.

**9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари  
“ИЖРОЧИ”**

Ўзбекистон Республикаси Миллий  
гвардияси Фарғона вилояти Кўриқлаш  
бошқармаси

Юридик манзили: Фарғона шаҳар

Оқсув кўчаси 4-үй

Банк реквизитлари:

21596000900210137001

МФО-00026


СТИР: 200146674

ИФУТ: 80200

Марказий банк Фарғона шаҳар



Б.И.Мирзакамалов



Farg'ona viloyat moliya bosh boshqarmasi  
Farg'ona shahar, Farobiy ko'chasi 68-uy  
Sh/Nr: 10002186030401701312092010  
STIR: 200151005 OKONX: 97160  
Tel./Fax: (8 373) 244-47-46  
Moliya Vazirligi Yagona G'azna hisobvaragi  
H/r: 23402000300100001010  
Markaziy bank Toshkent sh. XKKM  
MFO: 00014 STIR: 201122919

Фарғона вилояти хокимлиги молия бош  
бошқармаси бошлиғи



Бош хисобчи

*Z.Рӯзимов*

Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармасига кўриқлаш учун топнирилган Вилюят молия бош бошқармаси маҳсус хонасини

**СМЕТА ХИСОБИ**

" " 2022 й

№	Кўриқланаётган иншоатларнинг номи	Кўриқлаш тури	Кўриқлаш соати			Кўриқлаш соати	1(бир) соат нархи	Бир ойлик суммаси
			Иш куни	Дам олиш ва байрам одди кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари			
1	Вилюят молия бош бошқармаси маҳсус хонасини	ТКП	6	6	6	183	3754	686982
	Ўрнатилган курилма			1x29547			29547	29547
	Жами							716529



Объект рахбари

Б.И.Рубонов

Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармаси бошлиги  
подполковник  
Б.И.Мирзакамолов

Фарғона вилояти Кўриқлаш бошқармаси МИБ бошлиги  
кагта лейтенант



Ф.Ишанкулов

" " 2022 йил

" " 2022 йил